
"Дафн этиш жойларини сақлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги туман ҳокимининг қарори



FARG'ONA VILOYATI FURQAT TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 йил «28» февраль

60-11-164-Q/22

Фурқат туман ҳокимлиги

Дафн этиш жойларини сақлаш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги қонунининг 15-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2011 йил 4 апрелдаги 101-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Фурқат туманида дафн этиш жойларини сақлаш қондалари (кейинги ўринларда – қондалар) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Фурқат тумани Қурилиш бўлими (Р.Хасанов) Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими (Т.Худойердиев), Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш бўйича туман инспекцияси (И.Жўрабойзода), Ободонлаштириш бошқармаси (Р.Юсупов):

-қондаларнинг тегишли қабристонларда бир хилда ижро этилиши;

-қондаларда белгиланган нормалар маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) билан биргаликда доимий тарғиб қилиб борилишини таъминлансин.

3. Ушбу қарор “Навбахор” рўзномасининг навбатдаги сонида расман эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлиги Ахборот хизмати (У.Бозоров) ҳокимлик веб-сайтига 3 кунлик муддатда жойлаштирилиши таъминлансин.

4. Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари орқали расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

2022-03-09 09:02:51